

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШДА АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-840-848>

Адашова Махсума Маҳмудбоевна

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

“Ижтимоий-гуманитар фанлар” кафедраси таянч докторанти

Email: mahsumaadashova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада миллий маънавий тараққиётни таъминлашда калом фалсафасининг асосчиси Абу Мансур Мотуридий фалсафий меросининг аҳамияти, ёшлар маънавиятини шакллантириш ҳамда жамиятнинг маънавий қиёфасини юксалтиришдаги ўрни ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Абу Мансур Мотуридий, калом фалсафаси, маънавият, фалсафий мерос, тараққиёт, ислохот, аждодларга ҳурмат.

ABSTRACT

This article highlights the importance of the philosophical heritage of Abu Mansur Moturidi, the founder of the philosophy of kalam, in ensuring the national spiritual development, the role of shaping the spirituality of young people and raising the spiritual image of society.

Keywords: Abu Mansur Moturidi, philosophy of theology, spirituality, philosophical heritage, progress, reform, respect for ancestors.

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещается значение философского наследия Абу Мансура Мотуриди, основоположника философии калама, в обеспечении национального духовного развития, роль в формировании духовности молодежи и поднятии духовного облика общества.

Ключевые слова: Абу Мансур Мотуриди, философия теологии, духовность, философское наследие, прогресс, реформа, уважение к предкам.

“Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз.” [1;4]

Шавкат Мирзиёев

КИРИШ

Мустақиллик Ўзбекистон деб аталган табаррук юртда туғилган ва яшаётган ҳар бир инсон учун Аллоҳ томонидан берилган улуғ неъматдир. Хуррият туфайли юртимиз барча соҳаларда эмин-эркин фаолият юрита бошлади. Хусусан, олимлар зиммасига халқимизнинг турли ғоя ва мафкуралардан, сиёсий босимлардан холи бўлган ҳаққоний тарихини ёзиш вазифаси юклатилди. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2021 йил 19 январ куни “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари” бўйича ўтказган видеоселекторида сўзлаган таъсирли нутқидан намуна келтирмоқчимиз: **“Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди.”** [2;1] Дарҳақиқат, миллий тарих ва миллий руҳият диалектикаси бир-бирини инкор этса, улар ўртасидаги маънавий таъсирчанлик кучи ҳам йўқолиб боради. Шунинг учун ҳам “ аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида бунёдкорлик ғояларини кучайтириш, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш [3;1] ҳамда “аҳоли, айниқса, ёшларни ислом дини ва фалсафасига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш[4;1] давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида эътироф этиб келинмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ватанимиз зиёлилари томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижаси ўлароқ муборак номлари тарих зарварақларидан қасддан ўчириб ташланган, қабрлари топталган, уларнинг машшаққатли меҳнат маҳсули бўлган қадимий илмий қўлёзмаларининг йўқ қилиниши ёки ёқиб юборилиши ёхуд олиб борган фаолияти бидъат, сотқинлик, мавжуд ҳокимиятга қаршилик сифатида қораланган буюк илм соҳибларининг номлари қайтадан тикланди. Мустақиллик йилларида барчамизга виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг берилиши шунингдек, дин ва диний муносабатларни тўлақонли амалга ошириш учун кенг имкониятлар эшигининг очиб берилиши фуқароларимиз онги ва қалбида давлатимизга бўлган юксак ишонч ва ҳурматни яна бир қарра ошишига сабаб бўлди. Кўплаб диний уламоларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини атрофлича ўрганиб, таҳлил этиш мақсадида юртимиз олимлари томонидан бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Уларнинг таваллуд айёмлари давлат микёси даражасида

нишонланиб, буюк аждодларимизга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромимиз рамзи сифатида уларнинг туғилган масканларида муҳташам меъморий ёдгорликлар барпо этилди. Ҳазрат имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳам ана шундай юксак эҳтиромга лойиқ бўлган қомусий аллома ҳисобланади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, собиқ иттифоқ даврида буюк алломалар айниқса, дин уламоларининг ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганиш шунингдек, уларнинг шахсиятини халққа танитиш буткул таъқиқланган эди. Фақат истиқлол йилларидагина Абу Мансур Мотуридийдек улкан салоҳият эгаларининг илмий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш имконияти юзага келди. Бу улуғ зотнинг фалсафий меросини тўлақонли ўрганиш, унинг ҳаёти ва илмий фаолиятини, аллома яшаган даврнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда диний-маънавий қиёфасини, мотуридийлик таълимотининг бошқа таълимотлардан ажралиб турадиган алоҳида хусусиятларини, калом ва фикҳ илмининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ва чуқур тадқиқ этиш масаласи бугунги кунимизда жамиятимизнинг маънавий қиёфасини юксалтиришда жуда катта аҳамиятга эга.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ватанимизда илм–фан равнақини осмон қадар юксалтириб, бутун дунё тамаддуни ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган не-не буюк алломалар, халқ қаҳрамонлари, улуғ даҳолар етишиб чиққан. Буюк аждодларимиз томонидан неча асрлар муқаддам илгари сурилган ғоялар бугунги кун дунё илм-фани ютуқларига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ватанимиз тупроғида камол топган асл ўғлонлар, элимизнинг муносиб фарзандлари бўлган буюк алломалар халқ ёдидан ҳеч қачон ўчмаган. Ана шундай улуғ сиймолардан бири Имом Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратларидир. Буюк мутакаллим Абу Мансур Мотуридийнинг шахсияти, илмий фаолият натижалари ва мотуридийлик таълимотини дунё миқёсида ўрганиш мақсадида давлатимизда миллий ва халқаро анжуманлар ташкил этилди ва мазкур жараён бугунги кунда ҳам катта қизиқиш билан давом эттириб келинмоқда. Чунки Абу Мансур Мотуридий нафақат Ўзбекистон халқи балки бутун мусулмон уммати учун ўрганишга лойиқ бўлган жуда катта диний-фалсафий меросни яратиб кетган. Эътибор қаратишимиз лозимки, истиқлол йилларида миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизни тиклаш, улуғ алломалар меросини ўрганиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, сўнгги йилларда бу борадаги ишлар кўлами янада кенг қулоч ёйди. Юртимиздаги муқаддас қадамжолар таъмирланиб, ободонлаштирилмоқда. Янги илмий-тадқиқот муассасалари очилиб,

мутафаккир алломларнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг халқаро ҳамкорлик алоқалари натижасида 2019 йилда Миср Араб республикасида аллома қаламига мансуб қатор асарлар, 2020 йилда эса, Туркиянинг Мармара университети Илоҳиёт факультетидан 18 жилдик “Таъвилот ал-Қуръон” асарининг турк тилидаги таржимаси олиб келинди. Мазкур асарлар орқали халқимиз, ёшлар ва илмий жамоатчилик вакиллари юртимиздан етишиб чиққан мутафаккир ва алломлар ҳаёти ва илмий мероси, маърифий исломнинг асл инсонпарварлик тамойиллари ҳақида атрофлича маълумотларга эга бўлишади, дейди – Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори Шовосил Зиёдов”[5;1]. Калом илми ва ислом фалсафасининг султони Имом Абу Мансур ал-Мотуридий томонидан яратилган маънавий мерос бугунги глобаллашув шароитида маънавий баркамол инсонларни тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда буюк алломанинг фалсафий меросини кенг доирада тарғиб қилишга дунё олимлари томонидан бекорга қизиқиш билдирилмаяпти. Инсонларни ҳалол ва покиза яшашга, ақлий теранликка, дунё ва охираат ўртасидаги мувозанатни англаб етишга, илм ва меҳнат машаққатини қадрлаш руҳиятини уйғотишда Абу Мансур Мотуридий ҳазратларининг асарларини ўрганиш ва жамоатчилик орасида кенг тарғиб этиш ақлли фуқаролар жамиятини қуришимизда дастур ул-амал вазифасини ўтаса ажабмас. Чунки бугунги кун инсоният жамияти маънавий жиҳатдан оқсоқланиб қолаётган, иқтисодий манфаатларни барча нарсдан устун кўядиган, миллий мансублик ва менталитет тушунчаларини инобатга олмайдиган, ёт ғоя ва мафкуралар ортидан қувиб, ўзлигини йўқотаётган инсонлар сафи билан кўпайиб бормоқда. Бизнинг вазифамиз илмни тарғиб қилиб, ёш авлод онгида ҳар қандай маънавий бўшлиқлар ва ёт ғоялар ўрнашиши мумкин бўлган худудларни буюк боболаримиз томонидан баён этилган маърифат машъали билан ёритиш ҳамда буюк келажагимизни улкан салоҳият эгалари билан қуришдан иборатдир. Шарқ донишмандлари айтганидек, **“Энг катта бойлик - бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос - бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик - бу билимсизликдир!”**[1;2] дарҳақиқат, илм бутун оламни ёритувчи зиё ҳамда маънавийё баракамолликни тарғиб қилувчи улуғ неъматдир.

НАТИЖАЛАР

Барчамизга маълумки, дунёвий фаннинг тараққий этиши бевосита диний илм билан ҳам ўзаро боғлиқликни талаб этади. Дунёвий илмнинг буюк

кашфиётлари неча минг йиллар аввал диний илм негизда баён қилинган. Шу боис диний илмни мукаммал эгаллаш, унинг моҳиятини тўлиқ англаб етиш ва инсонлар ўртасида динни тўғри тарғиб этиш кишидан катта куч ва масъулият талаб этади.

Ислом тамаддунини юксалтиришга, ўша давр халқларининг маънавияти ҳамда маънавий маданиятини ривожлантиришга буюк алломаларимизнинг қўшган ҳиссаларини қуйидаги йўналишлар бўйича ўрганишимиз мумкин:

“Ўнинчи асрда саварқандлик мутафаккир Абу Мансур Мотуридий томонидан асос солинган Мотуридия таълимоти бутун ислом оламида кенг тарқалган. Мотуридия таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик зояси асосида инсон ақл-заковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу ўз навбатида, ушбу таълимотнинг кенг оммалашувида муҳим ўрин тутган. Бундай зояларга бугунги кунда ҳам инсоният катта эҳтиёж сезмоқда” [6;3]



Дарҳақиқат, буюк алломаларимизнинг ислом тамаддуни ривожига қўшган ҳиссалари натижасида диннинг маънавий қиёфаси янада бойиб, унинг негизда янги илмий соҳаларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Масалан, Қуръони карим оятларини тафсир қилиш билан бирга янги “таъвил” номли илмий фан соҳаси юзага келди.

Шуни унутмаслик лозимки, Абу Мансур Мотуридий “таъвил” номли илмий фан соҳасининг асосчиси ҳисобланади.

“Мотудий агар бирор бир мажлисда иштирок этмай қолса, хатто унинг устози ” Абу Наср ал-Иёдий ўз шогирдига нисбатан чексиз ҳурмат ва муҳаббатининг изхори сифатида ўша мажлисда бирор сўз ҳам айтмас экан. Агар у Абу Мансур ал-Мотуридийни узоқдан кўриб қолса, таажжуб билан унга тикилиб турар ва “Роббинг сени ўзи хоҳлаган ва ихтиёр қилгандек яратган”,-деб жилмайиб кўяр эди”. [7; 44]

Абу Мансур Мотуридийни Моварауннаҳрнинг юксак рухий-маънавий қудратга эга бўлган табаррук тупроғи дунёга келтирди ва илм-фанга дахлдор сиймо сифатида улғайтирди. Зеро ҳар қандай буюкликнинг асосини у озикланадиган маънавий бойлик манбалари ва мавжуд ижтимоий-маънавий муҳитнинг тараққиёт даражаси белгилаб беради. Абу Мансур Мотуридий ўзининг илмий фаолиятида “Қуръони карим” китобидаги воқеа, ҳодиса ва жараёнларни ёритишда ақлий ва нақлий усулдан унумли фойдаланган. Унинг ижодида, борлиқнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги онтологик қарашлар, инсондаги ақл, тафаккур юритиш билан боғлиқ гносеологик тасаввурлар ҳаққоний билимлар асосида шарҳлаб берилган. **Абу Мансур Мотуридийнинг фикрига кўра ақл, айниқса, назарий билим “илму-н-назар”нинг мақоми қудратлидир. Ақлнинг сезгилар билан ўзаро муносабати тасодифий эмас. Бешта сезги аъзолари ва ички туйғу ақл учун гўёки хизматкор, оддий тушунча (идрок) бўла оладиган даражада яратилганлиги Абу Мансур ал-Мотуридий наздида кучли далилдир. Ақл ҳам ўз навбатида улар устидан назоратчи-кузатувчидир. У жонли мушоҳада ва хабарнинг муайян вазиятда тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлашда энг юқори мартабали ҳакам вазифасини бажаради. У буюк неъмат,унга ҳеч қандай нарса тенглаша олмайди. Унинг ҳукмига барча нарсалар бўйсунди,унинг олдида ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак баробардир. Ақл туфайли олам ва Аллоҳни таниш нақадар муҳим бўлмасин, у ўзига хос камчиликка ҳам эга. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг таъкидлашича, унинг биз кутмаган тирқишидан имон-эътиқод учун нохуш ҳисобланган шубҳа кириб келишга уринади. Шундай вазиятда инсон ихтиёрида ягона йўл қолади. Бу йўл-Аллоҳнинг илми. У инсон учун беҳад аҳамиятли, чунки, уни сон-саноксиз шубҳалардан асраб қолади, деб таъкидлайди. Инсон эркинлиги**

масаласида аллома шундай дейди: “ҳар бир инсон ўз ҳаракатларининг ҳақиқий эгасидир. Инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларининг мутлақ соҳиби эканлиги, ҳам ақлан, ҳам руҳан эркинлиги Куръон оятлари билан очиқ-ойдин маълум қилингандур. Шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, Аллоҳ таоло инсонларга ўзининг имкониятлари доирасида маълум бир вазифа ва масъулиятларни юклаган. Бунинг натижаси ўлароқ, бажарилган ёки тарк этилган хатти-ҳаракатлар эвазига жазо ва ажрларни марҳамат этган. Инсон муайян ҳаракат ва фаолиятни амалга ошириши учун унга ҳаракатдан олдин амалда маълум бир куч ва қудрат берилган. Инсоннинг ҳаракатлари унга берилган шу куч-қудрат ва уни амалга оширишга ундовчи шахс иродасининг натижасидир. Бу жараён инсон ҳаракатларининг асоси ва унинг зиммасига юклатилган масъулиятларининг мажмуидир. Булар билан инсон маълум бир ҳаракатга юзланиб, ўз ихтиёри билан уни танлайди ва амалга оширади.”[8;993]

МУҲОКАМА ВА ТАҲЛИЛЛАР

Барча даврларда ҳам дин инсонларни маънавий бирлашувини, мақсад-муддаолари муштараклигини, орзу-умидлар якдиллигини таъминлаб берувчи руҳий восита ҳисобланган. Мана шу восита даврлар ўтсада, қанчадан-қанча сиёсий тўқнашувлар бўлсада, ўзининг руҳий таъсир етиш кучини йўқотмаган. “Абу Мансур Мотуридий нафақат қардош ўзбек халқининг, балки уммат ривожига, муқаддас исломнинг гуманистик ва рационал асосларини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшган барча туркий халқларнинг фахридир”[9;1]. Дарҳақиқат, буюк алломанинг фалсафий мероси, бутун илмий фаолияти ва меҳнатларининг самараси бугунги кунда ҳам жамият ва унда яшовчи инсонларнинг маънавий қиёфасини яхшилашга, руҳий баркамолликка ва юксак фалсафий тафаккур егаси бўлишига катта ёрдам беради. “Имом Мотуридийнинг буюкликлари, сийратларини англашдаги энг катта манба – у кишининг асарларидир. Бу зотнинг ихлосу тақволари, парҳезкорликлари, соғлом ақл ва эътиқоддаги даражалари, ақлий етукликлари, фикрий илғорликларини у кишининг асарларини ўрганган одам дарҳол фаҳмлаб олади.”[10] барча фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, бир қанча тавсияларни таклиф қиламиз:

1. Абу Мансур Мотуридий асарларини осон ва қизиқарли усулда ўргатувчи ўқув қўлланма ва дарсликларни нашрга тайёрлаш;

2. Алломанинг ақоид ва калом фалсафасига қўшган ҳиссаси тўғрисида илмий ишлар яратиш;

3. Таълим тизимида “Қуръони карим”нинг илмий мўъжизаларини ўрганишда Абу Мансур Мотуридийнинг фалсафий асарларидан фойдаланишни жорий этиш;

4. Абу Мансур Мотуридий асарларининг терминологик луғатини тузиш ва бошқалар.

ХУЛОСА

Фикримиз якунида шуни айтиб ўтмоқчимизки, кейинги йилларда юртимизда муқаддас ислом дини ривожига ўзининг теран фалсафий қарашлари билан беқиёс ҳисса қўшган улуғ алломаларнинг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг маънавий меросини ўрганишга қаратилган алоҳида эътибор кучайиб бормоқда. Шу туфайли буюк мутакаллим Абу Мансур Мотуридий ва ул зот асос солган мотуридийлик таълимотини кенг тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, бугунги глобал жараёнда ислом динини тўғри англаш ва талқин қилиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мотуридийлик таълимотининг ўрни нақадар беқиёс эканлиги, алломанинг илмий-маънавий, бой мероси давлат ва жамият тараққиёти, инсонийлик тамойилларига асосланганлиги қатор ҳорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ҳам юксак эътироф этилмоқда. Шундай экан, бу улуғ алломанинг ҳаёти, илмий фаолияти ва илмий асарларида илгари сурилган ғоя ва мафкураларни таълим тизимига тўғри тадбиқ этиб борсак, шунингдек, халқимиз онгига осон ва тушунарли тарзда етказиб берсак, ўйлаймизки, келажакда Абу Мансур Мотуридийнинг фалсафий меросини ўрганиш бўйича етук мутахассисларни етишиб чиқишига замин тайёрлаган бўламиз. Зеро, буюк аждодларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром, биз авлодларнинг инсонийлик вазифамиздир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидан. (2020 йил 24 январь) "Халқ сўзи", 2020 йил 25 январь
2. Qalampir.uz 2021 yil. 19-yanvar 20:12.
3. Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 03.05.2019 йилдаги ПҚ-4307-сон
4. Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 26.03.2021 йилдаги ПҚ-5040-сон

5. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази матбуот хизмати расмий сайти.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи газетаси Т.; 2016 йил 19 октябр
7. Ф.Муҳаммадиев “Мутафаккирлар”, “Мовароуннаҳр” нашриёти Т; 2011, 44 б
8. Adashova, M. (2022) Abu Mansur Moturidiy falsafiy merosida shaxs ma'naviyatini yuksaltirish masalalari. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social science. 2 (1) ISSN 2181-1784.
9. UzDaily Sonmez Kutlu. International Conference in Samarkand, dedicated to Imam Maturudi is important and useful. 04/03/2020
10. Hasanxon Yahyo Abdulmajid «Tavhid» risolasi ahli sunna aqidasi bo'yicha muhim manba (birinchi maqola). Т.; 15.03.2020
11. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology 29 (5), pp. 1846-1853.
12. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o'qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o'rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.
13. Умаржонов, С. С. (2022). Онтологияда субстансия ва акциденцияга доир таълимотнинг Фахриддин Розий томонидан ривожлантирилиши. Academic Research in Educational Sciences, 3(3), 961–968. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-3-961-968>
14. Saifnazarov, I., Xujayev, M. (2018) Axmad Zaki Validiy islamic culture. Экономика и социум, 2, 55-57.
15. Safarov, M.K., Umarjonov, S.S. (2021). Abu Bakr ar-Roziy etikasida befoyda o'y surish va ochko'zlik muhokamasi. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 1045-1049.
16. Umarjonov, S.S., Safarov, M.K. (2021). Fahriddin Roziyning “Latoif ul-g'iyosiyot” qo'lyozma asarida aql va e'tiqod masalasining qo'yilishi va uning diniy-falsafiy germenevtik tahlili. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 1058-1068.
17. Safarov, M. (2021). Abu Bakr ar-Roziy etikasida insonning o'z kamchilliklarini anglashi va uni bartaraf qilishi muhokamasi. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1 (9) 68-71.